



YOSHILAR OVOZI

Biz — kelajak bunyodkorimiz!



ОЛИЙ ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ЙИРИК ФОРУМ

Махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари О.Абдурахмонов, Ўзбекистон олий таълим муассасалари ректорлари кенгаши раиси, Ислоҳ Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ректори С.Туробжонов мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган таълим соҳасидаги ислохотлар замирида Ватанимизни янада тараққий эттириш, ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол шахс этиб вояга етказиш, соҳалар учун юқори билимга эга мутахассисларни тайёрлашдек мақсадлар мужассам эканини таъкидлади.

Мамлакатимизда барча жабҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар таълимнинг барча бўғини, айниқса, олий таълим тизимида яққол кўзга ташланмоқда. Бу жиҳатлар ўқитиш сифатини тубдан такомиллаштириш, билим масканларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, олий таълим масканларига ёшларнинг қамровини

тобора ошириш кабиларда ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Ўзбекистон — Россия таълим форуми икки давлат ўртасида олий таълим тизимидаги ўзаро стратегик ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга олиб чиқиш, маърифий, илмий жамоатчилиқнинг ўзаро фикр ва тажриба алмашиши, олий ўқув даргоҳларини алоқаларини кенг йўлга қўйиш, таълимга оид янги дастурлар, лойиҳаларни режалаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур йирик форумда юртимиз олий таълим даргоҳлари билан бирга Россиянинг энг нуфузли олий таълим масканлари ректорлари, илмий жамоатчилиги иштирок этиши, ҳамкорликда қўллаб-шарҳлаш ва қелишувлар имзоланиши кўзда тутилган.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА МУХБИРИ

TASHABBUS



Диктант ёзиб,
САВОДИНГНИ КЎР!

Маданият, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари ҳамда Фанлар академияси ўқувчи ҳамда талаба-ёшлардан оммавий диктант олиш ташаббуси билан чиқди.

Лойиҳа ўзбек тилига давлат тили мактаби берилган кун муносабати билан ташкил этилган. У Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, Ўзбекистон Давлат консерваторияси, Р.Глиэр ва В.Успенский номидаги Республика их-

тисослаштирилган академик лицейлари, Тошкент ихтисослаштирилган маданият матабиди амалга оширилмоқда.

Халқ саводхонлиги ҳамда она тилимизнинг нуфузини ошириш мақсадида ўтказилаётган “Оммавий диктант” талбирини ташкил қилувчи, филологлар ва етувчи педагоглар эксперт сифатида жалб этилган.

Хуמוюн ОМОНОВ

ESHITDINGIZMI?

АЖДОДИМИЗ ҲАҚИДА ФИЛЬМ СУРАТГА ОЛИНАДИ



Маданият вазирлигида таниқли турк киножодкори, “Эртугрул” телесериали режиссёри Меҳмет Бўздаг бошчилигидаги делегация иштирокида “Жалолиддин Мангуберди” фильмининг суратга олиш ишларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда Туркия билан маданият, хусусан, кинематография соҳасидаги алоқалар тобора кенгаётгани таъкидланди. Ҳамкорликда буюк сиймо ҳақидаги тарихий картинага қўл урилиши ҳам шундан далолат.

— Хоразмшоҳлар сулоласининг сўнгги вакили, забардаст саркарда Жалолиддин Мангуберди оқил ҳукмдор, ватанпарвар шахс бўлгани тарихдан маълум — дейди Меҳмет Бўздаг. — Унинг ҳаёт йўлини ўрганиб чиққанман. Чингизхон бошчилигидаги муғул қўшинларига қарши мардондор курашгани, юрт тупрогини асраш йўлида жон фидо қилгани мени қаттиқ ҳаяжонга солган. Шундан кейин Мангуберди ҳақида фильм яратиш ниятини кўнглимга тугдим. Ишонаманки, ўзбек ҳамкасбларим билан бунинг уйдасидан чиқамиз.

Мухбиримиз

TANLIL VA TALQIN

МАҒЛУБИЯТ — ҒОЛИБЛИККА ИЛК ҚАДАМ

Аргентина мезбонлик қилган ўсмирлар Олимпиадаси поёнига етди. “Кичик олимпиада” келажакда ўзбек спортини юксалтириш олдидан янги номларни кашф қилди, десак муболаға бўлмайди. Ахир, жаҳондаги нуфузли мусобақада аввалги натижаларни яхшилаб, умумжамоа ҳисобида йигирматаликдан жой олди. Бу — қувонарли.

Ўсмирлик — улкан ҳаёт остонаси де-

мак. Болалик ва етувчи орасидаги айнан шу палла жуда нозик ва масъулиятлиқдир. Балоғат ёшида қабул қилинган баъзи қарорлар халқ қилувчи аҳамиятга эга. Кимдир илм-фан, бошқа биров спорт, яна баъзилар санъат йўлини танлайди ва шу йўсин жамиятга ўз ўрнини топишга ҳаракат қилади.

(Давоми 2-саҳифада)

BUGUNNING GAPI

150 йил керак. КУТОЛМАЙМИЗ!

Ҳамроҳим анча илдамлаб кетди. У олд-ортига қарамас, бошини қуйи эгиб ўй суриб борарди. Мен эса, ҳар қадам ташлаганимда қумга чуқур ботган оёғимни зўрға кўтариб, сарҳадсиз саҳрога умид ила боқаман. Аммо ён атрофда тобора узоклашиб бораётган ҳамроҳимдан бошқа нарса кўринмайди. Ҳар жой-ҳар жойда сочилиб ётган чинаноклар қуёш тигида ойнадай ялтиради. Гармсел қум барханлари узра чийиллаб хуштак чалади гўё. Бу ерда бир пайтлар кемалар сузиб юрганини тасаввур қилиш қийин.

Дарҳақиқат, яқин ўтмишда мана шу адосиз саҳро ўрнида Орол денгизи ястаниб ётар, маҳаллий аҳоли қунига тонналаб балик тутар, соҳилда қўллаб ноёб ҳайвоноту ўсимликларини учратиш мумкин эди. Энди бу гаплар афсонадек туюлади.

Биз, ёшлар Орол фожiasi ҳақида чуқурроқ мулоҳаза қилмаймиз ҳам. Ўзимдан қиёс, токи мана шу қум барханлари ичра томоғим қакраб сув сураганимда ҳамроҳим Онгарбой: “Сувни қамқор ич, йўл узок”, — дея идишни оғриниб узатмагунча бу ўйлар хаёлимда ҳам йўқ эди. Мобиль алоқа яқини ишламайдиган, замондан орқада қолган саҳрода Онгарбойнинг

ажин босган юзига, ўткир нигоҳига қараб, кўнглимдан кечганларни сиз билан ўртоқлашгим келди.

Тенгдошим! Яна панд-насиҳатми, дейишга шошманг. Бошингизни кўтариб бир муддат атрофга боқинг. Дунё фақат виртуал олам ва унинг “глобал муаммолари”дан иборат эмас!

Хабарингиз бордир, шу йилнинг 28 июни кунини ёзувчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Эркин Малик ёшларга мурожаат йўллаганди. Унда ёзилишича, Орол худудини ўрмонга айлантириш ва шу орқали тузли кумнинг ҳавога кўтарилмаслигига эришиш мумкин экан.

Худудни ўрмонга айлантириш учун эса, минглаб гектарга қўл ўсимлиги — саксовул экиш керак. Бунинг учун биз, ёшлар ташаббус кўрсатишимиз, ҳар биримиз ҳеч бўлмаганда бир ҳафта вақтимизни саксовул экишга сарфлашимиз керак. Ҳозир табиат кўриқчилари имкон қадар саксовул экиб, ўрмон хўжалигини кенгайтирмоқда. Аммо бу кетиш бўладиган бўлса саҳрони тўла саксовулзорга айлантириш учун 150 йил керак!

(Давоми 2-саҳифада)

O'RNAK OLI



ТИКУВЧИ ТАДБИРКОР БЎЛДИ

21 ёшли Жамшид Жалилов Қарши шаҳридаги “Танҳо дизайн” хусусий корхонасини бошқариб келяпти. Корхонада беш нафар ишчи меҳнат қилади. Барчаси ўзига ўхшаган ёшлар.

— Эракка, аёл ва болалар учун мавсумий кийимлар тикамиз, — дейди тенгдошимиз. — Ота-онам мени болалиқдан меҳнатга ўргатган. Мана, кам бўлганим йўқ. Тикувчилик ортидан кўп нарсага эришдим. Энди

тадбиркорман. Шу соҳада юксалишга ҳаракат қиламан. Жамшидга “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармаси кўмаги билан имтиёзли кредит ажратилди. Шу маблағ эвазига у замонавий тикув машиналарини харид қилди, корхонадаги иш ўринларининг сонини эса, ўнга етказмоқчи. Сергайрат тенгдошимизга бу йўлда омад ёр бўлишини тилаймиз.

Шавкат ҚАРОМОВ

MUNOSABAT

Кўп нарса ўзгаради

Тиббиёт жадал ривожланаётган соҳалардан биридир. Янги дори препаратлари, замонавий техник ускуналар одамлар саломатлиги йўлида хизмат қилаётди. Аммо жаҳон амалиётида турли касалликларни даволашда халқ таботати усулларидан ҳам кенг фойдаланилаётгани бор гап. Бу йўналиш юртимизда ҳам азалдан мавжуд. Инсоният тамаддунида ўчмас из қолдирган буюк аллома Абу Али ибн Сино бежиз ўзбек заминидан етишиб чиққан йўқ-да.

2018 йил 12 октябрда Президентимиз “Ўзбекистон Республикасида халқ таботати соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорни имзолади. Бу тизимни жиддий ислоҳ қилишга қаратилган сый-ҳаракатдир. Тўғри, Ўзбекистонда Халқ таботати академияси тузилган. Бирон тўсиксиз фаолият кўрсатиб келяпмиз. Бироқ соҳанинг қонуний асоси ҳали ҳам яратилмаган. Янги қарор бу каби муаммоларга чек қўйишга ёрдам бериши керак.

Тан олиш керак, бутун юртдошларимизнинг халқ таботати ишончи бирмунча сўнган. Эҳ-ҳе, сохта табиблар алдовига учганлар қанча! Мана энди, ушбу фирибгарларнинг ноқонуний фаолиятига чек қўйилди. Қарорда кўрсатилишича, бундан бўён халқ таботати аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг қўшимча усули сифатида талқин қилиниб, табиблар лицензия олиши шарт. Қолаверса улар кўрсатган хизматининг сифати ва натижаси учун тиббиёт ходимлари каби жавобгар ҳисобланади.

Халқ таботати йўналишига ихтисослашган кадрлар масаласи ҳам анчайин оғриқли. Сабаби оддий. Тиббиёт олий ўқув юрғларида таботат илми ўргатилмайдди. Бу бўйича биронта ҳам кафедра мавжуд эмас. Натижада аждодларимиз таботат илмида эришган ютуқларини ноёб меросини татқиқ этишга қаратилган илмий ишлар қилинмапти.

Энди тиббиёт олийгоҳларининг даволати иши, педиатрия иши, тиббиёт-педагогика иши бакалаврият йўналишлари учун халқ таботати бўйича махсус ўқув цикли жорий этилади. Бундан ташқари Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида халқ таботати кафедраси ва алоҳида малака ошириш курси ташкил қилинади.

Яқин истиқболда юртимизда Халқ таботати ассоциациясини тузиш ҳам кўзда тутилган. Халқ таботатида қўллангиланган ўсимликлар, уларни парвартиш қилиш ва ўстириш жойлари каби зарур маълумотларни ўз ичига оладиган махсус база яратишга ҳам киришилмоқда. Бу жуда муҳим чора-тадбирлар.

Яна бир янгилик: тез орада академиямиз таркибидаги Тошкент халқ таботати олий мактабига қабул эълои қиламиз. Шифохона қуриш ҳам режада бор. Шу аснода ўқувчилар мактабда олган назарий билиминини амалиётда қўллаш имконига эга бўлади.

Меҳри НУРУЗОВА,
Халқ таботати академияси
бошқаруви раиси

ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР — ЮРТ КЕЛАЖАГИ

М.ТОШҚОРАЕВА, ЎЗА мухбири

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузурдаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси стипендияси сохибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Талабаларга мукофотларни маданият вазири Бахтиёр Сайфуллаев ва жамғарма ижрочи директорининг ўринбосари Гаяне Умерова топширди.

— Маданият соҳасида кадрлар тайёрлаш масаласи бугун ҳар қачонгидан кўра долзарб аҳамиятга эга, — дейди Б.Сайфуллаев. — Бу борадаги ишларнинг устувор йўналишлари қайта кўриб чиқилди, муҳим вазифалар белгиланди. Улар ижросини таъминлашда ҳар томонлама етук, малакали ва маданият соҳасидаги сиебатга янгича назар билан қарайдиган профессионал мутахассислар талаб этилади. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузурдаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси томонидан ажратилган грантлар истеъдодли ёшларимизни ўзининг улкан ижодий салоҳиятини тўлик намойиш этишга қажради. Умид қиламанки, бундай кўмак маданият

ва санъат соҳасида ижодий режалар ва лойиҳаларни амалга оширишга хизмат қилади, мамлакатимиз эса ёш мутахассислар киефасида кучли кадрлар захирасига эга бўлади.

Жамғарма стипендияси учун танловда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тизимидаги олий таълим муассасалари талабалари иштирок этди. Икки босқичли танлов натижаларига кўра 10 нафар ғолиб аниқланди. Уларга бир ўқув йили учун шартнома қиймати микдорда грантлар ажратилади.

Маданият ва санъат соҳасида таълимни ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузурдаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармасининг устувор йўналишларидан биридир. Жамғарма стипендия сохиблари билан доимий асосда ишлади, уларнинг академик жараёнини мониторинг қилади ва зарур ёрдам кўрсатади.

— Жамғарманинг келгуси режалари — таълим соҳасида қатор лойиҳаларни амалга ошириш, хусусан, хорижнинг етакчи олий таълим муассасалари билан биргаликда стипендия дастурларини ташкил этиш, — дейди Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармасининг таълимни ривожлантириш бўлими бошлиғи Мадина Бадалова. — Шунингдек, олий таълим даргоҳлари ходимларининг стажировка ўташини ташкил этиш ва малакасини ошириш учун етакчи музей ва маданият соҳасидаги тизимлар билан музокаралар олиб борилмоқда.

ОГОҲЛИК — DAVR TALABI



Зангиота туманидаги 43-умумтаълим мактабда “Темир йўл ҳудудда огоҳ бўлиш, ўқувчи!” шиори остида тарғибот тадбири ташкил этилди.

Фаррух МУХСИНОВ

Унда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти Тошкент минтақавий темирйўл узели Ўрта-овул станцияси, шунингдек, вилоят ички ишлар бошқармасининг транспорт бўлими ходимлари, маҳалла фаоллари ҳамда мактаб ўқувчилари иштирок этди.

Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида вояга етмаганлар томонидан темир йўл тўсиқларини синдириш, поезд деразаларига

тош отиш каби темир йўл инфратузилмасига зарар етказувчи жами 51 та қондабузарлик ҳолати қайд этилган. Уларнинг аксарияти болалар томонидан содир этилган туфайли мактабларда тегишли тарғибот ишларини олиб бориш ниҳоятда зарур. Тадбир давомида мутахассислар ёшларни хавфсизлик қондаларидан огоҳ этди. Ота-она ва таълим муассасалари ҳамкорлигини қучайтириш ижобий самара бериши алоҳида таъкидланди.

Яқунда ўқувчилар мавзуга доир тайёрлаган деворий газеталарини шарҳлаб, фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

ОСИҚ МУЛОҚОТ

147 та ЯНГИ УЙ ажратилади

Лайло ҲАЙИТОВА



Бухоро горнизонидида хизмат ўтаётган харбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида очик мулоқот ўтказилди. Унда аскарлар дуч келётган ижтимоий муаммоларни ҳал этиш йўллари, оила мустаҳкамлигини таъминлаш хусусида сўз борди. Ўттинч йил мулофаа тизимида фаолият олиб

бордим, — дейди нафақадаги подполковник Ахрор Гафуров. — 2002 йилдан буён уй-жой олиш бўйича рўйхатда тураман. Хужжатларимда муаммо бўлмаса-да, бир неча бор қайтарилди. Ниҳоят, ўн олти йил деганда менга уй ажратилди. Насиб бўлса, 2019 йилда оила билан янги хонадонга кўчиб ўтамиз.

Маълумот учун айтиш керак, вилоят горнизонидида хизмат қилаётганларга 473 та хизмат уйи берилган. Шунингдек, келаси йили 147 нафар нафақадаги харбийни уй-жой билан таъминлаш кўзда тутилган.

Очик мулоқот давомида Бухоро давлат университети харбий таълим факультети талабалари ўқув даргоҳи моддий-техник базасининг ғариблиги, амалий машғулотлар жараёнида харбий қурол-аслаҳадан мутлақо фойдаланилмагандиган шикоят қилди. Вазиятни ўнглаш бўйича тегишли нора-тадбирлар кўриладиган бўлди.

DAVRA SUNBATI

ГАПИРСА ГАП КЎП

Малик СИНДОРОВ



Истеъдодли ижодкорлар, беназир қалб сохиблари — Ҳамид Олимжон ва Зулфияxonим ўзбек адабиёти ривожига улкан хисса қўшган. Уларнинг она тилига бўлган ҳурмат-эътибори ҳам бизларга ибратдир.

Шу икки шоир номи билан ата-лувчи она тили ва адабиёт фанни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб интернатидида

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кунга бағишлаб давра суҳбати ташкил этилди. Ташаббус Ёшлар иттифокнинг Жиззах вилояти кенгаши томонидан илгари сурилган.

Тадбирда Жиззах давлат педагогика институти профессор-ўқитувчилари, адабиётшунос олимлар, ёшлар ташкилотининг ҳудудий кенгаши вакиллари, “Ёш тарғиботчилар” гуруҳи аъзолари иштирок этди.

Дастлаб ЖДПИ ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудири, доцент Усмонов Қосимов ўзбек тили тарихи ҳақида маълумот бериб, унинг ривожини йўлида қилинаётган амалий ишларга тўхталди. Шундан сўнг шеърятга ихлосманд тенгдошларимиз ўз ижод намуналаридан парчалар ўқиб берди.

MULOHAZA UCHUN MAVZU

БЕМИННАТ МУРАББИЙ

Зарнигор АБДУМАЛИКОВА

Инсон тафаккурининг буюк хосиласи бўлган китобни қанотларга қиёслаш мумкин. У инсонга парвоз завқини туйиш имконини беради. Ҳаётимизда учраб турадиган кўп қўлаб нуқсон кусурларнинг илдизи, билмсизлик, маънавиятсизликка бориб тақалади. Маънавият факат билим эвазига юксалиши мумкин. Ёш авлодни миллий кадриятлар руҳида, барқамол инсон қилиб тарбиялашда китобдан кучлироқ восита йўқ, албатта. Китоб беминнат мураббий эканини Ҳазрат Навоий ҳам уқтирган.

Истиқлол йилларида юртимизда китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини такомиллаштириш, китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш борасидаги ишлар янги босқичга кўтарилди.

— Ноширлик ва матбаа корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик янгилашга қаратилаётган алоҳида эътибор

туфайли китоб маҳсулотларини чоп этиш кўлами ва сифати тубдан яхшиланди, — дейди “Шарк” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси бош муҳаррири Ахрор Аҳмедов. — Бугунги кунда китобхонлар кўлига етиб бораётган аксарият адабиётлар ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатидан замонавий талабларга жавоб беради, дейиш мумкин. Айрим нашриётлар китоб савдоси ва тарғиботи билан ҳам фаол шугулланмоқда. Айтайлик, бизнинг компанияга қарашли замонавий китоб дўконлари Тошкент шаҳридан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар марказларида ҳам ишлаб турибди. Хозирча матбаа маҳсулотларининг нархи жуда ҳам ёнбоп эмас. Сабаби қоғоз, сиеҳ, ип каби хомашё маҳсулотлар хориждан олиб келинади. Шу масалада биллик туғдирилса, аҳолига арзон китоблар етказиб бериш имконига эга бўлаемиз.

Глобаллашув даврида ахборот-коммуникация технологиялари ҳаётимизга шун

чалик сингиб кетдики, нафақат кундалик фаолиятимиз, балки ижтимоий-иқтисодий соҳалар ривожини ҳам уларсиз тасаввур қилиб бўлмай қолди. Илм-фаннинг бундай тараккий этиши китобхонликка ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Бугун жаҳондаги кўпгина босма нашрларнинг онлайн версиялари кўпроқ машҳур. Дунёнинг энг катта кутубхоналарида сақланаётган босма манбаларнинг аксарияти электронлаштириб бўлинган. Бу жараён мамлакатимизда ҳам изчил кечмоқда. Умуман олганда, электрон китоб курилмаларини ишлаб чиқариш суруятлари кун сайин ўсиши натижасида маҳсулот таннархи арзонлашиб, улардан фойдаланиш имкониятлари ҳам кенгаймоқда. Авваллари бундай курилмаларда махсус форматдаги китобларнинг ўқий олардингиз, эндиликда эса, сурат ва видео-лар томоша қилиш, аудиоматериаллар эшитиш ҳам мумкин.

Яна бир гап. Халқни маърифатли қилиш учун болаларни китоб дўконларига олиб бориш, кутубхонага қатнашини рағбатлантириш лозим. Китоб соғва қилиш анъанасини кенг жорий қилиш ҳам яхши усул. Китобларни қадрлайлик. Зеро, Соҳибқирон Амир Темур айтганидек: “Китоб (бити) барча бунёдкорлик, яратувчилик ва аклидрокнинг, илму донишнинг асосидир, ҳаётни яратувчи мураббийдир”.

150 йил керак. КУТОЛМАЙМИЗ!

(Бошланғич 1-саҳифада)

Нуроний журналистимиз ўша муддатни киеқартириш бизга боғлиқлигини таъкидлапти. Афсуски, бу мурожаатга ҳеч биримиз жавоб бермадик! Амалий ишимиз билан дунё аҳлига намуна бўлишимиз лозим бўлган бир пайтда, сукут сақлашдан нарига ўтолмаямиз. Афсуски, ўткннчи нарсаларга берилиб, ижтимоий тармоқларда арзон изоху шарҳлар ёзиш билан бандимиз.

Бундан афсусланиб ўтирсам, хонамга ўзим ҳурмат қиладиган тенгдошим кириб, нуфузли уюшма аъзоси бўлаётганини айтиб қолди. Рости, шу вақтгача уни хур фикрли, жамият ривожини учун беғараз кўмак беришга шай инсон, деб ҳисоблардим. Аммо у шахсий манфаат йўлида уюшмага аъзо бўлаётганини билдиргач, ҳафсалам пир бўлди. Наҳотки, ахволимиз шу бўлса?! Тўғри, бир кишига қараб ҳамма ёшларга баҳо бериб бўлмайди. Аммо юқорида тилга олинган мурожаатга муносиб жавоб кайтармаганимиз аччиқ ҳақиқат. Афсус...

Ана шундай оғир ўйлар исқанжасида газета варақладим. Кўнгила тонг шуласидай ёруғлик киритган хабарни ўқидим. Ўрта Осие ёшларининг халқаро “Дўстлик” форуми доирасидаги илмий-амалий конференцияда Ўзбекистон Миллий университети талабаси Нодирбек Хуррамов “Жанубий Орол бўйида инкирозга учраган экотизмларнинг ҳозирги ҳолати ва уни яхшилаш йўллари” мавзусида чиқиш қилиб, илмий лойиҳаси ҳақида сўз юритибди. Тенгдошимиз ахволни яхшилаш юзасидан ўз тақлифини ҳам тайёрлаган.

Кўнглим ёришди. Ҳайрият-ей, орамизда эл қорига ярайдиган, юрт равнақи учун ҳормай-толмай меҳнат қилишга тайёр тенгдошларимиз бор экан-ку. Факат бир-биримизни қўлаб-қувватлаб, баҳамжиҳат иш тутсак, бошқаларга сўзда эмас, амалда ибрат бўлсак, бас. Аждодлар ишончини оқлаш, авлодлар олдида ёруғ юз билан юришнинг ягона шартини шу!

Боборовшан ҒОЗИДДИНОВ

FOTOFAKT



БИР БАҲАЯЛИК ЭЪТИБОР

Шаҳноза ШАРИПОВА

Ёшлар иттифокнинг Эллиқалъа тумани кенгаши қолдиғи “Камалак” болалар ташкилоти ташаббуси билан кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг касалманд фарзандлари қолдиган хабар олинди.

Ёшлар “Навоий”, “Эллиқалъа”, “Амиробод” овул фукарлар йнгилиларида истиқомат қилаётган тенгдошларимиз хонадонларига бориб, хомийлик асосида ажратилган дорн-дармонлар ва бошқа керакли воситаларни етказиб берди.

Бундай ғамхўрликдан таъсирланган болаларнинг ота-оналари кўзида севинч ёшлари қалқди. Улар ёшлар ташкилотига самимий миннатдорлигини изҳор этди.

МАҒЛУБИЯТ — ҒОЛИБЛИККА ИЛК ҚАДАМ

(Бошланғич 1-саҳифада)

Бузнос-Айрессдаги ҳаяжонли баҳслар ортда қолди. Ғолиблар муҳокама этилмайди, деган ақида бор. Ҳарқалай, максалдмиз бу эмас. Айни вақтда турли сабабларга кўра шохсупадан ўрни ололмаган ва эҳтимол, ўша ғолибдан-да кўра кучлироқ мағлублар ҳақида сўз юритишни лозим топдик.

Бейхитёр элимиз суйган шоир Абдулла Ориповнинг қуйидаги сатрлари ёдга тушади: Барча мағлубият менинг дўстимдир, Барча йўқотишлар менга қариндош. Ғолибдан кўра мағлубга қийин. Бир сониянинг қадрини югуртиш мусобақасида иккинчи ўринни олган спортчидан сўра, дейишди. Чунки у ғалабанинг қадрини кўпроқ англайди. Мағлубият аламини татиб кўриш билан бирга хатолари устида ишлаб, келгусида уларни такрор-

ламасликка уринади. Мана шунга эриша олган ва ала-оқибат чемпионлик рутбасига етишган кишигина чинакам ғолибдир. Зеро, мағлубият — музаффарият томон ташланган илк қадам.

Оддий мисол. Мексикадаги футбол бўйича жаҳон чемпионатидан сўнг ёшларимизни иззат-икром қилиб, ердани болаларни етиб бўлмас юлдуз даражасига олиб чиқдик. Мана шу “хизмат”имиз туфайли уларда манманлик пайдо бўлди. Ўша иллат бора-бора футболимиз ривожини йўлида катта тўсиққа айланди. Хуллас, чинакам иктидорларини ерга “қўшиб қўйдик”!

Рағбат инсонни янги ютуқларга бошлаши шубҳасиз. Бирок уни ҳар қим ҳил тушунади. Фель-атворда ҳам гап кўп. Баъзилар машҳурликнинг юқини елкасига ортолди ҳам меҳнат қилишдан тўхтамайди. Рағбатни рухлантурувчи омил сифатида қараб, юкса-

лишда давом этаверади. Бошқа биров эса, шон-шухратдан сармаст бўлиб, жарлик ёқасига ақинлаётганини ҳам сезмайди. Айниқса, балоғат ёшидаги ўғил-қизларга эътиборлироқ бўлиш зарур. Ғалабадан ҳаволиниб қолмиш эртага факат зарарга ишлагани теран англомоғимиз зарур.

Бу гап исталган соҳага тааллуқли. Ёшларни моддий, маънавий қўллаш ортда давлат ва халқнинг катта ишончи ётганини унуттишга ҳаққимиз йўқ! Зеро, спортимиз келажакнинг муносиб қўлларга топшириш, авлодлар алмашинуви жараёнида хато қилмаслик жуда муҳим.

Бузнос-Айрессдаги мусобақа тарихга айланди. Натижаларни сарҳисоб қилиш баробарида соҳада мавжуд камчиликларни таҳлил қилиб, ишлаш ва изланишдан тўхтамаслик зарур. Катта спортга кириб келган, жаҳон ареналарида салмоқли ютуқларга эришган ўсмирларимиз тўхтаб қолмаслиги шарт. Чунки олдинда қўлаб нуфузли мусобақалар туринди. Чўқки забт этилдики, демек, навбатдагисини қўзлаш, янги-янги марраларга интилиш керак. Шундангина спортимиз равнақ топиб бораверади.

Олмосбек НОЗИМЖОНОВ

YOSHLARGA OID DAVLAT SIYOSATI — AMALDA

ТЎҒРИ БОСИЛСА ҚАДАМ...

Маъмура ХЎЖАКУЛОВА



Бугун ишнинг кўзини билган, ишбилармон одам яхши яшайпти. Юртимизда ёшлар тадбиркорлигига кенг йўл очилганининг боиси ҳам шунда. Айтайлик, Ёшлар иттифоқи тасарруфида “Ёшлар бизнес-инкубатори” масъулияти чекланган жамияти фаолият кўрсатиб келмоқда. Унинг мутахассислари тенгдошларимизда бизнес юритиш кўникмасини шакллантириш билан машғул.

Асосий эътибор аграр соҳага қаратилган. Сабоби ёшларнинг кўп қисми қишлоқ жойларда истикомат қилади. Улар учун қулай шарт юратиш мақсадида Тошкент, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида махсус агрокластерлар ҳам ташкил этилган.

Масалан, Қуйичирчиқ туманидаги агрокластерда эллик нафардан зиёд йигит-қиз жалб қилиниб, ўн нафарига фермер хўжалигини ташкил этиш учун ер ажратилди. Бу эса, келгусида уларнинг юксалишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Ёшлар иттифоқи тадбиркор дўстларимизга хориж тажрибасини ўрганиш имкониятини ҳам тақдим этган. Япония, Туркия, Германия каби давлатлардан мутахассислар тақлиф қилиниб, маҳорат дарслари ўтилмоқда. Тез орада Ўзбекистон — Хитой бизнес-инкубатори ҳамда Ёшлар савдо марказини ишга тушириш кўзда тутилган. Шунингдек, 24 октябрдан 15 ноябрга қадар бир гуруҳ ёш фермерлар қишлоқ хўжалигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бў-

йича Япония тажрибасини ўрганиб қайтади. Ёш тадбиркорлар учун туман ва шаҳарларда куриб берилаётган бизнес-инкубатор айна вақтда беш минг нафардан зиёд тенгдошимизни ўз бағрига олган. Аммо бу бошланғич, холос.

— Тан олиш керак, бизнес-инкубатор нималигини ҳали тўлиқ тушуниб етмаган ёшлар ҳам бор, — дейди “Ёшлар бизнес-инкубатори” МЧЖ директори вазифасини бажарувчи Сотатмурод Қулмирзаев. — Бир қараганда оддий кўрингани билан, аслида анчайин машаққатли иш бу. Осон пул топиш пайида юрган баъзи ёшлар банкдан катта кредит олиб, ўзини зўр тадбиркордек тутди. Бироқ бир-икки йилга бормаё қасодга учрамоқда. Бизнесинг фаолиятимиз мана шундай ноҳусу вазиятларнинг олдини олишга қаратилган.

2019 йилда ёшлар ташкилоти кўмаги билан яна олтига янги бизнес-инкубаторни ишга тушириш режалаштирилган. Ҳозирнинг ўзида лойиҳага қўшилаётган йигит-қизлар “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармаси маблағлари ҳисобидан жуда қулай шартда — имтиёзли давр билан йиллик 7 фоизлиқ кредит олиш имконига эга бўляпти. Қўллаб-қувватлаш ҳам шунча бўларди. Энди ёшлар шунга яраша жавоб бериши, мамлакатнинг иқтисодий раванқига хизмат қиладиган янги ташаббуслар рўёби йўлида тинимсиз меҳнат қилмоғи шарт.

21-ОКТАБР — O'ZBEK TILIGA DAVLAT TILI MAQOMI BERILGAN KUN

ТИЛГА ҲУРМАТ — МИЛЛАТГА ҲУРМАТ

Ғуломжон ТОҒАЕВ,
Самарқанд давлат
архитектура ва курилиш
институтини ўқитувчиси

Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши ўз даврида моҳият-эътибори жиҳатдан жуда катта воқеликка айланганди. Ҳақиқатда она тилимиз чиндан ҳам ночор аҳволга келиб қолган, бошқа тиллардан бўлар-бўлмасга сўз ўзлаштириш одатга айланганди. Натижада тилимизни турли зарарли таъсирлардан қутқариш кун тартибдаги долзарб масала бўлиб қолди.

1989 йил 21 октябрда “Давлат тили ҳақида”ги қонун қабул қилинган барчамизга маълум. Мустақилликдан кейин унга баъзи ўзгаришлар киритилган, 1995 йил 21 декабрда қонун янги тахрирда қўйиб кирди. Ундаги нормалар она тилимизнинг мавқени ошириш, тилимизнинг янги шартларда янада бойиб боришида муҳим аҳамият касб этмоқда. Лекин бугунги тараққиёт даври тилга эътиборни бир баҳяга ҳам сусайтирмасликни, уни ёт унсурлардан имкон қадар асрамоқни талаб қилади. Бунга ҳамма бурчи.

Улуғ мутафаккир бобомиз Алишер Навоий ўзбек тили довруғини хахонга ёйди, бу тилда дунё адабиётининг ўлмас дурдоналарига айланган асарлар яратди. Она тилимизнинг жозибдорлигини исботловчи тилшуносликка оид “Мухокамат ул-лугатайн” номли асар битди. Биз тилимизни ардоқлашни, эъзозлашни, аввало, Ҳазрат Навоийдан ўрганмоғимиз даркор.

Атоқли қирғиз адиби Чингиз Айтматов ва шоир Мухтор Шоҳоновнинг “Чўққиди қолган овчининг охи зори” китобида шундай жумла бор: “Сўзини авайлаб-асраш керак. Менга қолса, Сўз тежамкорликни ёқтиради, дердим. Сўз худди кечасио кундузи оқиб ётган сув мисоли исроф қилинса, Сўзнинг хар мисоли қадрланмаса, Сўз тежаб-тергаб ишлатилмаса, ўз кучини йўқотади — жонсиз бўлиб қолади”.

Бу фикр бизни ҳамма ҳушёрликка ундаб, тилга ниҳоятда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишга, хар бир сўзини ўрни билан маъжуд қоидаларга риоя этган ҳолда қўллашга даъват этади.

Тилга эътибор — элга эътибор, деб бежиз айтилмаган. Тилимизга қанчалик эътиборли бўлсак, у шунча гўзаллашиб

ТИЛИМИЗГА ҚАНЧАЛИК ЭЪТИБОРЛИ БЎЛСАК, У ШУНЧА ГЎЗАЛЛАШИБ БОРАВЕРАДИ. БИРОҚ БУНГА ҲАМИША ҲАМ МУВАФФАҚ БЎЛА ОЛАЁТГАНИМИЗ ЙЎҚ

бораверади. Бироқ бунга ҳаммиша ҳам муваффақ бўла олаётганимиз йўқ. Шиддатли давримизда юз бераётган воқеа-ходисалар, шубҳасиз, биринчи навбатда, тилимизда ўз аксини топади. Бугун юртимиз дунё билан тиллашди, халқаро жамоатчилик мамлакатимизга ҳурмат кўзи билан қарамоқда. Натижада турли мамлакатлар билан иқтисодий, сиёсий, маданий алоқаларимиз кун сайин кучайиб бораётган. Япония, Америка, Жанубий Корея, Хитой, Франция, Германия, Россия сингари илғор давлатларнинг ишбилармонлари билан ҳамкорлик юртимиз иқтисодий қудратининг орттишида асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Масалан, бугунги кунда Самарқанд вилоятига чет эл инвестициялари фаол

нинг авлоди бисёр бўлиб, ундан саккиз ўғил қолган. Ота ўлимидан олдин ўрнига Туркни қолдириб, ўзга ўғлонларига: “Туркни ўзларингизга подшоҳ билиб, аниқ сўздан чиқманг”, — дедан. Туркка Ёфас ўғлонни деб лақаб қўйди. Мазкур факт ўзбек халқининг илдизи жуда узокларга бориб тақалишини, унинг тили ҳам кўп асрлик тарихга эга эканини кўрсатади. Шундай буюк тилни янада бойитиш, гўзал қилиш биз, авлодлар учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Миллатларда ўзбекнинг 92 уруғи (минг, юз, қирк, жалоийр, сарой, қўнғирот, олчин, аргун, найман, қипчоқ, чакмоқ, бобвул, бурлан, бабаш қавчини, тўбали, телов, кердери, сахтиён, қарғин, ширин, чимбой, черки, уйғур, ёбу, тарғил, турған, тайин,

ЎЗБЕКНИНГ 92 УРУҒИ БЎЛГАН. ОНА ТИЛИМИЗ ШАКЛЛАНИШИДА УЛАР СЎЗЛАШГАН ТИЛЛАРНИНГ ҲАМ ТАЪСИРИ БОР

жалб этиляпти. Бу, ўз навбатида, илғор замонавий технологияларга асосланган ишлаб чиқариш қувватларининг орттишига сабаб бўлмоқда. Жорий йилда Президентимиз фармони билан “Ургут” эркин иқтисодий зонаси ҳам ташкил этилди. Ушбу қадим ҳудудга қўшимча сармояларни жалб этишга кенг имкон бермоқда. Шу каби саъй-ҳаракатлар тадбиркор ишбилармонларимиздан наинки хорижий, балки ўз она тилинида мукамал билишни талаб этаётган. Унутмаслик керакки, инглиз, француз, немис, япон, корей, рус ва бошқа забонларни ўрганиш миллатлараро кўприк вазифасини ўтайди. Аммо чет тилларига ихлос қўйиш она тилимизга эътиборнинг сусайишига олиб келмаслиги лозим.

Хива хони Абдулғози Баходирхон 1664 йилда яратган “Шажараи турк” асарида турк қавми ҳақида шундай маълумот-


қўхат, фахр, шубан, кужалик, деражат, қимат, шужат, авғон, ўғлон ва бошқалар) ҳақида маълумотлар келтирилади. Табиийки, она тилимизнинг шаклланишида мана шу уруғлар сўзлашган тиллар ҳам иштирок этган. Бу уруғларнинг хар бири ўнлаб шажараларга тармоқланиб кетади. Шажараларнинг турли шохчаларида эса, одамларнинг қабил-қабил бўлиб яшаган даврлардан бошлаб шаклланган урф-одав ва анъаналар ўз аксини топади. Шу боис бир уруғ шажарасидаги шохчалар вакилларининг тили бошқасиникидан фарқланади. Миллий адабий тилимиз қанчалик бой ички манбага эга эканини шундан ҳам билиш мумкин.

Тилимиз имкониятларининг кенглиги, жозибдорлиги ҳақида хар қанча гаширмайлик, қундалик мулоқотда, тижорий ташвиқотларда, хизмат кўрсатиш шохчаларида ажабий сўз-жумлаларни

БУГУНГИ ТАРАҚҚИЁТ ДАВРИ ТИЛГА ЭЪТИБОРНИ БИР БАҲЯГА ҲАМ СУСАЙТИРМАСЛИКНИ, УНИ ЁТ УНСУРЛАРДАН ИМҚОН ҚАДАР АСРАМОҚНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ

ларни келтиради: “Туркларнинг энг қадимий илдизи Таврот ва Курьонда айтилишича, Нух пайғамбар авлоди ҳисобланиб, унинг ўғли Ёфас отасининг ҳукми билан Жуди (Арабат) тоғидан кетиб, Атил (Идил, яъни Волга) ва Ёйик сувининг ёқасига келиб жойлашган. У ерда икки юз эллик йил турган. Ёфас-

қўллаш, пешлавохаю реклама материалларини тайёрлашда имло қоидаларига амал қилмаслик, сўзларни бўзиб ишлатиш ва талкин этиш қоидаларни кўпайиб бораётгани кишини хавотирга солиши аниқ. Бундай локайдликка чек қўйишимиз даркор. Илло, тилга ҳурмат миллатга ҳурмат эканини асло унутмайлик.



БИЛГАНИМИЗ ЎЗИМИЗГА

Шоҳрух ИБОДУЛЛАЕВ

Богот туманидаги 2-ағрим фанлар чуқур ўргатиладиган умумтаълим мактабида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун муносабати билан ижодий танлов ўтказилди. Мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Исабой Отажонов тадбирини очар экан, ўзбек тилининг кадр-қиммати ва жозибаси ҳақида тўхталиб, бугунги ёшлар чет тилларни мукамал ўрганиш баробарида она тилига ҳам ҳурматни сақлаб қолиши, бу қадриятнинг завол топишига асло йўл қўймаслиги кераклигини уқтирди. Беллашув тарзида ташкил қилинган лойиҳада мактабнинг 6-синф ўқувчилари она тилига

оид назарий ва амалий билимларини синовдан ўтказди. Болаларнинг салоҳияти “Таништирув”, “Расм асосида матн ёзиш”, “Кроссворд ечиш”, “Давлат тили ҳақида”ги қонун билимдонни”, “Эркин мавзу”, “Сардорлар беллашуви” шартлари асосида баҳолаб борилди. Айнакча, эркин мавзудаги чиқишлар — ўғил-қизларнинг ўзбек ва жаҳон адабиёти, шунингдек, қўшиқчилик санъатининг энг сара намуналарини асл тилида талкин этиб бергани йўғилганларда катта таассурот қолдирди. Жамоалар барча шартлар давомида тўплаб борган баллар сарҳисоби бўйича битта ғолиб аниқланди. Бошқа фаол иштирокчилар ҳам муносиб тақдирланди.

TASHABBUS

ЯХШИ СОВҒА



Сумбулой НУРМЕТОВА

Хоразмда “Ўзим ўқиган мактабга китоб совға қиламан” лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бу Ёшлар иттифоқи ва қатор ҳамкор ташкилотларнинг биргаликдаги ташаббуси бўлиб, ёшларни мутолаага жалб қилишга қаратилган.

Лойиҳа доирасида юртдошларимиз ўзлари ўқиган мактабларга китоблар тортиқ қилмоқда. Масалан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Раъно Зарипова ярим аср муқаддам учирма бўлган кадрдон маскани — Урганч шаҳридаги 1-умумтаълим мактабининг бугунги ўқувчилари билан учрашди. Таниқли ёзувчи ва публицист уларга “Қиссаси Рабғузӣ” асарининг адабий қиммати ҳусусида сўзлаб берди. Яқунда эса, мактаб кутубхонасига бир қанча сара адабиётлар совға қилди.

PSIXOLOG MASLAHATI



Savoga psixolog Feruza TALIPOVA javob beradi:

— Farzand xohishini inobatga olish kerak. Ustiga-ustak, qizingiz yosh bola emas. Boshqa mamlakat

unga nimasi bilan qiziq ekanini aniqlashga harakat qiling. Kelajakdagi maqsad-rejalari haqida so'rang

— Qizim 23 yoshda. Universitetni tamomladi. Endi chet elda ishlamoqchi. Otasi ikkimiz qarshimiz. Shundan buyon to'nini teskari kiyib olgan. Bu holatda qanday yo'l tutsak ekan?

Lobar IKROMOVA
Toshkent shahri

va shunga qarab ish tuting. Xalqimiz tushunchasida qiz bolaning begona yurtda uzoq vaqt yolg'iz qolib ketishi to'g'ri emasligini yotig'i bilan tushuntirishga harakat qiling.

Yuqoridagi urinishlar samara bermasa, qizingizni psixolog qabuliga olib boring. Balki, siz ko'ra olmayotgan boshqa — yashirin jihatlarni ayon bo'lar.

OGOHLIK — DAVR TALABI

Korrupsiya — tasvirlarda

Sojida SAPAYEVA



Yoshlar ittifoqining Uchquduq tumani kengashi tashabbusi bilan maktab o'quvchilari o'rtasida "Biz, yoshlar yurtimizga xizmat qilishda vijdonli, insofli va halol bo'lishimiz shart!" shiori ostida

"Eng yaxshi plakat", "Eng yaxshi surat" hamda "Eng yaxshi bayon" tanlovlari o'tkazildi.

Ijodiy ishlar prokuratura, adliya, ichki ishlar organlari xodimlari tomonidan baholandi. O'g'il-qizlar korrupsiyaning illat ekanini turli tasviriy ifodalarda ko'rsatib berishga harakat qildi. Yakunda g'oliblar aniqlanib, munosib taqdirlandi.



YOSHLIK ILHOMI

Ikki o'n besh — bir o'ttiz

Husan NUSRATOV

Erta tongdan sigirning ma'rashidan uyg'onish hali qishloq ob-havosiga moslashib ulgurmagani akang qarag'ayga biroz erish tuyuladi. Nailoj, "Og'rimagan boshim — essiz yigitlik yoshim", deganlaridek kamina ham salkam o'ttizni urib qo'rganida o'qishni tamomladi.

Shaharda tuzik ish topildiku, biroq tabiatimdagi injiqligim pand berdi. Qaysidir kuni yozgan hisobotimdan jo'yali gap topolmagan boshliq meni biroz tartibga chaqirgan edi, "bor-ey", dedim-u, shartta qishloqqa ketvordim. Mana, bir haftadan buyon otamning fermasida oliy ma'lumotli chorvador bo'lib ishlayapman. Ko'z tegmasin, ishim yaxshi. Hali u, hali bu masala yuzasidan bosh qotirish, kun bo'yi kompyuter qarshisida mixlanib o'tirish, yetmagani rah-barning do'qini eshitishdan ko'ra, tinchgina qo'y-buzoqlarni o'tlatib yurganim afzal. Rosti, shaharda yashashdan biron ma'no topmadim. Yangi xodim bo'lganim uchun oylik maoshim pastroq edi, ustiga-ustak, ijara haqini to'lash kerak. Topgan pulim yetmaydi, albatta. Eng ma'quli qishloqqa qaytib, mo'may daromad keltiradigan ish boshlash edi. Mana, maqsadimga ham erishdim.

Otamning xo'jaligi u qadar katta bo'lmasa ham, har tugul o'ttiz-qirq kishining qozonini qaynatib turibdi. Asosiy yumushlar o'sha-o'sha: sigirlarga yem-hashak berish, ularni sog'ish, kunora yuvib-tarashdan iborat. Hammasini xodimlarning o'zi mensiz ham uddalaydi.

Boshliqning arzandasi bo'lganim bilan tamomlab, kollejga o'qishga kirdim. Albatta, otam oz-moz qarashdi. Yashirib nima qilaman shu yoshgacha nimaga erishgan bo'lsam, hammasida otamning "his-sasi" bor. Ana endi ota-onamning ishonchini oqlaydigan vaqt kelganida men yana ortiqcha dax-maza bo'lyapman. Mayli, yolg'iz farzandman-ku! Shaharda ishladim nima-yu, dadamning fermasida chorvador bo'ldim nima. Ikki o'n besh — bir o'ttiz...

Otamga qoyil! Meni o'ylagani o'ylagan. Kecha kun bo'yi shahar kezib, menga ish topib kelibdi. Maoshi ham chakkli emas. Zavod rahbarining o'rinbosari. Bu yangilikni eshitib boshim osmonga yetdi. Shu kunning o'zidayoq bor-budimni yig'ishtirib, shaharga jo'nadim...

Kelishim bilanoq ishga kirishdim. Direktorimiz tartibni xush ko'radigan odam. Ziqnaligini hisobga olmasa, durust. Biroq u bilan kelisholmadim. Uyuqchiligim bor, ishga kechikib kelaman. Ertalabki yig'ilish yakunida menga g'alati ohangda tanbeh berib qo'ydiki: "Bu sizga otangizning fermasi emas, bugundan boshlab ishga o'z vaqti-da keling. Kech qolishga odatlan-mang". Xullas, qancha urinmayin shu odatim sira qolmadi. Ustiga ustak yozgan hisobotimda kamchiliklar bisyor. Rahbarning: "Shuncha yil shaharda o'qib, hali ham hisobot yozishni bilmaysizmi?" — degan e'tirozi miyami o'qdek teshib o'tdi. "Sendek ahmoq bilan ishlayman-mi?" — dedim-da, lavozimiga ham, ishga ham qo'l siltab, qishloqqa qaytib ketdim.

Mana, yana otamning fermasida ishlayapman. O'ylab qarasma, shaharda ishladim nima-yu, qishloqda mol boqdim nima? Aytdim-ku, ikki o'n besh — bir o'ttiz! Hali amal kursisiga o'tirish vaqti ham yetib kelar. Ungacha, otamning fermasi men uchun eng qulay ish joy. A, labbay?



Aziza SHARIPOVA

Bugun men jiyanimni kitob do'koniga olib bordim. Havo soviganidan buyon, uyda diqqanapas bo'lib o'tiradi, bechora. Undan ko'ra, kitoblar olami bilan tanish-gani yaxshi-da.

U zumrasha hali uch yoshni ham to'ldirmagan. Ammo aqli hamma narsa-

ga yetadi. Ayni rivojlanadigan, olamni taniyadigan payti. Uydagi ertak kitoblarni ochib, suratlariga qarab voqealarni hikoya qilib beradi. O'zimcha fikr qildim: demak, unda kitobga mehr uyg'onmoq-da. Bu go'zal hisni yanada kuchatirish kerak!

Hali oila qurib, farzand ko'rmagan

bo'lsam-da, ammo bir narsaga ishon-chim komil — bola biz, kattalar ko'rsat-gan yo'ldan yuradi, biz yaratgan muhitda o'sadi va tarbiyalanadi. Shunday ekan, ertamiz egalarning ongi hamda qalbini ma'naviyat nuriga to'yintiraylik. Ularni ma'nolar xazinasi — kitoblar bilan oshno etaylik. Illo, kelajagimiz yorug' bo'lgay!

1 SAVOLGA 1 JAVOB

— Nodavlat notijorat tashkilotda ishlayman. Mehnat ta'tili olishga haqqim bormi?

Zafar KOMILOV
Asaka tumani

Savolga huquqshunos Gulnoza YO'LDOSHEVA javob beradi:

— Ha, bor. Nodavlat oliy o'quv yurtlari, il-miy-tadqiqot muassasalari, korxonalar va tash-kilotlarda ijodiy ta'tillar berish tartibi hamda ularning muddati jamoa shartnomasi (agar u ish beruvchi bilan kasaba uyushmalari qo'mi-tasi yoki xodimlarning boshqa vakillik organi o'rtasidagi bitimga ko'ra tuzilmagan bo'lsa) yoxud xodim bilan tuzilgan mehnat shartno-masida belgilanadi.



Yosh huquqshunoslar kengashi bilan hamkorlikda tayyorlandi.

BILASIZMI?



O'zbekistonda haftaning har seshanba va juma kunlari 18 yoshgacha bo'lgan bolalar hamda ularga hamrohlik qiluvchi ota-ona (yoki ularning o'rmini bosuvchi shaxs)lar davlat muzeylariga bepul kiritiladi. Bu huquq qonun-chilik bilan kafolatlangan.

HIKMAT

Do'stlikka yaramaydigan shaxslarning eng yaramasi chaqimchi kishilardir.

Yusuf XOS HOJIB


O'QING, BU QIZIQ!

Ingliz kitobxonlari ham-madan ham ko'p "Gin-nesning rekordlar kito-bi"ni mutolaa qiladi.



Shifokorlarning tushunarsiz yozuvi tufayli yuzaga keladi-gan anglashilmovchiliklar sabab har yili 7 ming nafar kishi hayotdan ko'z yumadi.

1968-yilda yaratilgan birin-chi kompyuter sichqonchasi yog'ochdan yasalgan.



ENSİKLOPEDİK MA'LUMOT

SANGTAROSHLIK — toshni kesish, yo'nish bilan uni ma'lum shaklga keltirishni nazarda tutuvchi hunarmandlik turi.

O'rta Osiyoda XV asrda takomil-lashdi. Bu davrda madrasa, maqba-ra va boshqa yirik binolar (Amir Temur maqbarasi, Bibixonim jome masjidi Ahmad Yassaviy majmuasi shular jumlasidan) qurilishida tosh-dan keng foydalanildi.

XX-XXI asr boshlarida, ayniq-sa, mustaqillikdan so'ng ma'muriy va jamoat binolarini qurish hamda ularni bezashda ohaktosh, marmar, granit kabi tog' jinslaridan foydala-nishga katta e'tibor berildi.

Hozir sangtaroshlik san'ati me-xanizatsiyalashtirilib, tosh kesuv-chi, tosh silliqlovchi va boshqa uskunalardan keng foydalaniladi.

MUASSIS

O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI
MARKAZIY KENGASHI
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan.

Bosh muharrir

Karimov Faxriddin Turdaliyevich

TAHRIR HAY'ATI

Mansur Bekmurodov, Laziz Tangriyev, Madamin Safarov, Alisher Sa'dullayev, Dilmurod Nabiyev, Azim Mirzajonov, Nodir Abduqodirov, Nargiza Umarova — bosh muharrir o'rinbosari ("Yoshlar ovozi"), Irina Kochergina — bosh muharrir o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"), Yelena Kalinina — mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана")

Dizayner
Abdullayev Xurshid
O'ktamjonovich

Navbatchi
Boboravshan G'oziddinov

"YOSHLAR OVOZI"dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. belgisi bilan tijoriy materiallar chop etiladi.



Agar sizning o'qish uchun QR kodini skanirlashingiz kerak bo'lsa, ularni skanir qiling.



Gazeta materiallari tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.
Telefonlar: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97, (371) 233-79-69 (faks)
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida, A-2 formatda chop etildi. Hajmi — 2 bosma taboq.
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Indeks: 203, 3203
Bahosi kelishilgan narxda.

Buyurtma G-1036
Adadi — 11583

Bosishga topshirish vaqti — 21.00
Tepshirildi — 23.35

Ofset usulida bosilgan.

1 2 3 4